

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзэнергосотиш” АЖ
Кузатув кенгашининг
2025 йил 10 октябрдаги
8-сонли мажлиси қарори билан**

**“ЎЗЭНЕРГОСОТИШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
“КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
Н И З О М И**

Тошкент - 2025 йил.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом “O‘zenergositish” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) Корпоратив маслаҳатчисини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ва Жамият бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини ҳамда вазифалари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Корпоратив маслаҳатчининг иш фаолияти мақсади қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг корпоратив бошқарув амалиётини ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг энг яхши халқаро амалиётларга мувофиқлигини таъминлашга доир масалаларда Кузатув кенгаши билан ишлаш;
- акциядорлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва Жамиятнинг инвестицион жозибадорлигини оширишда иштирок этиш;
- Жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминловчи бошқарув амалиётини шакллантиришда кўмаклашиш.

1.4. Корпоратив маслаҳатчи ҳақидаги маълумотлар Жамиятнинг масъул хизматлари томонидан Жамиятнинг веб-сайтига жойлаштирилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботига киритилади. Бундай ахборот Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва Жамият Бошқаруви ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш учун тақдим этилган ахборот миқдорида тўғри келади.

1.5. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдор расмий мансабдор шахс ҳисобланади.

II. Корпоратив маслаҳатчи номзодлигига қўйиладиган талаблар

2.1. Қуйидаги талабларга жавоб берадиган шахс корпоратив маслаҳатчи лавозимига тайинланиши мумкин:

- олий юридик ёки иқтисодий ёки бизнес маълумотларига эга;
- корпоратив қонунчилик нормаларини билиш;
- корпоратив бошқарувнинг энг яхши ички ва ташқи амалиётини акс эттирувчи меъёрий ҳужжатларни амалда қўллаш олиш;
- ташкилий-таҳлилий кўникмаларни билиш;
- ўзбек тилида равон сўзлаш ва ёзиш;
- бенуқсон обрўга эга бўлиш;
- судланмаган бўлиш;

- Жамият ва унинг мансабдор шахслари билан, шунингдек устав капиталининг 5 фоизи ёки ундан кўп қисмини ташкил этувчи Жамият акцияларининг эгалик қилувчи акциядорлар билан алоқадорликнинг йўқлиги;
- ўз фикрини ҳимоя қила олиш, дилкашлик, масъулият каби шахсий фазилатларнинг мавжудлиги.

III. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва ишдан бўшатиш

3.1. Корпоратив маслаҳатчини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш меҳнат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Корпоратив маслаҳатчи лавозимига номзод Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланади. Кузатув кенгаши аъзолари ва/ёки Жамият Бошқаруви раиси корпоратив маслаҳатчи лавозимига номзодга таклифлар киритиши мумкин.

3.2. Корпоратив маслаҳатчи лавозимига тайинланган шахс билан меҳнат шартномаси тузилади. Корпоратив маслаҳатчига ҳақ тўлаш миқдори ушбу Низомга асосан белгиланади. Жамият номидан корпоратив маслаҳатчи билан шартнома Бошқарув раиси томонидан имзоланади;

3.3. Корпоратив маслаҳатчи ваколатларини тугатиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ қабул қилинади. Корпоратив маслаҳатчи ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Кузатув кенгаши корпоратив маслаҳатчи лавозимига янги номзодни тасдиқлаш ёки янги корпоратив маслаҳатчи тайинланишига қадар корпоратив маслаҳатчи вазифасини бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

3.4. Кузатув кенгашининг мажлислари орасидаги даврда корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши раисига бўйсунади ва у ўз фаолияти бўйича Кузатув кенгаши Раисига ҳисобдор ҳисобланади.

IV. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИНИ РАВБАТЛАНТИРИШ ВА МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Корпоратив маслаҳатчи узининг меҳнат фаолияти учун ойлик иш ҳақи, мукофот ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқига эга.

4.2. Корпоратив маслаҳатчининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатлари Жамиятнинг йиллик бизнес режаси смета ҳаражат қисмида акс эттирилади.

4.3. Корпоратив маслаҳатчига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 16 баробарида лавозим маоши белгиланади.

4.4. Корпоратив маслаҳатчига давлат ва молия идораларида узоқ муддат хизмат қилганлиги учун иш стажига қараб қуйидаги миқдорда лавозим маошига кўшиб (лавозим маошига нисбатан фоизда) ҳақ тўланади:

3 йилдан 5 йилгача - 50 фоиз;

5 йилдан 10 йилгача – 70 фоиз;

10 йилдан 20 йилгача – 100 фоиз;

20 йилдан ва ундан юқори йилгача – 120 фоиз.

4.5. Корпоратив маслаҳатчига байрам кунлари ва бошқа муносабатлар билан Жамият ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда рағбатлантириш тўловлари амалга оширилади. Шунингдек, умумий асосда меҳнат таътили, иш ҳақи сақланмаган таътили, касаллик варақларини тўлаш, шунингдек Жамиятнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган бир марталик тўловлар берилади.

V. Корпоратив маслаҳатчи фаолиятининг тамойиллари

5.1. Мустақиллик ва холислик тамойили:

- Корпоратив маслаҳатчи корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари билан муносабатларда мустақиллик ва холисликни сақлаб қолиши шарт ҳамда Кузатув кенгаши маслаҳатчининг ўз вазифаларини раво ва самарали бажариши учун зарурий шароит яратиб беради;

- бошқа юридик шахсда лавозим эгаллашга қаратилган бошқа мунтазам фаолиятни амалга ошириш билан корпоратив маслаҳатчи вазифаларини бирлаштириш фақат Кузатув кенгашининг розилиги билан амалга оширилади;

- Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши билан эркин мулоқот қилиш ҳуқуқига эга ва ўз ташаббуси билан ўз вазифаларини бажариш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва масалалар ҳақида Кузатув кенгашини хабардор қилади ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар беради ҳамда ушбу маълумотларни Кузатув Кенгаши раисига ва Бошқарув раисига ошкор қилади.

5.2. Ҳалоллик ва холислик тамойили:

- Корпоратив маслаҳатчи ўз фаолиятида Жамиятнинг корпоратив этика кодексига риоя этади ва ўз касбий фаолиятини юритишда ҳалоллик ва холисликка қўйиладиган талабларни бажаради.

5.3. Касбий компетентлик тамойили:

- Корпоратив маслаҳатчи ушбу Низомда белгиланган малака талабларига ва бизнес обрўсига бўлган талабларга жавоб бериши керак;

- Корпоратив маслаҳатчи ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва бошқа ваколатларга эга бўлиши лозим.

- Корпоратив маслаҳатчи доимий равишда ўз билим ва кўникмаларини кенгайтириб, илғор хорижий давлатларда малака ошириб, юқори даражадаги касбий компетентликни сақлаб туриши лозим.

VI. Корпоратив маслаҳатчининг вазифалари ва мажбуриятлари

6.1. Ягона акциядор (акциядорлар умумий) йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказишида иштирок этиш.

Корпоратив маслаҳатчи қонун ҳужжатлари ва Жамият ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиб-таомилларининг бажарилишини таъминлайди.

Бунинг учун корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва активлар бўлими билан биргаликда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Жамият Бошқаруви раисининг буйруғи билан Жамиятнинг турли бўлинмалари ходимларидан ташкил этилган Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилишида (акциядорлардан) тушган таклифларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни ташкил этиш ҳамда Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш;

- келиб тушган таклифлар ва таклиф этилган номзодлар тўғрисида Кузатув кенгаши раисини хабардор қилиш;

- олинган таклифлар бўйича қабул қилинган Кузатув кенгашининг қарорлари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш;

- Жамият бошқаруви органлари томонидан ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалалар бўйича қарор қабул қилиш кун тартиби ва жадвалини шакллантириш;

- ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилиши учун Кузатув кенгаши қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- ягона акциядор (акциядорлар) томонидан тақдим этилган таклифларни қайта ишлаш ва овозга тақдим этиш учун улар асосида акциядорлар йиғилиши қарорлари лойиҳаларини шакллантириш;

- ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати учун рўйхатдан ўтказувчи органга сўров юбориш;

- кўриб чиқиш учун ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини тақдим этиш, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг талабига биноан ушбу рўйхатдан кўчирма тақдим этиш;

- ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга юборилган овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матнини тайёрлаш;

- ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилишини ўтказиш тартиби тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси, йиғилиш

Раёсати аъзоларига, шунингдек акциядорлар умумий йиғилишининг бошқа иштирокчиларига (акциядорлар ва уларнинг вакилларига) маслаҳат бериш;

- ягона акциядор (акциядорлар умумий) йиғилишида овоз бериш масалалари бўйича акциядорларга маслаҳат бериш;

- Кузатув кенгашига ёки тафтиш комиссиясига, ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилишида иштирок этиши Жамият ички ҳужжатлари ёки Кузатув кенгашининг қарори билан таъминланган бошқа шахсларга кўрсатилган номзодларнинг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишини ташкил этиш;

- Санок комиссияси ишини назорат қилиш, овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённи санок комиссияси томонидан тайёргарлик кўриш, овоз бериш учун бюллетенлар, тақдим этилган ишончнома ва ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилиши муносабати билан шакллантирилган бошқа ҳужжатларни сақлашни ташкил этиш;

- овоз бериш натижалари ва ягона акциядор (акциядорлар умумий) йиғилиши баённомаси бўйича ҳисоботни тайёрлаш;

- Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган сўровни кўриб чиқиш натижалари бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши ташаббускорларини хабардор қилиш.

6.2. Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши мажлисларида тартиб ва тадбирларнинг бажарилишини ташкил этади. Кузатув кенгаши ишини таъминлаш мақсадида корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва активлар бўлими билан биргаликда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилиши иштирокчиларига тақдим этиш мақсадида Кузатув кенгашига номзодлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

- Кузатув кенгаши ва унинг аъзоларини баҳолашни (ўз-ўзини баҳолашни) ташкил этиш, Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлар матричасини тузиш, уни жалб қилган ҳолда ташқи экспертга Кузатув кенгашини баҳолашда ёрдам кўрсатиш;

- мустақил Кузатув кенгаши аъзолари мақомига риоя этиш учун номзодлар ҳақидаги маълумотларни текширишни ташкил этиш;

- Кузатув кенгашига янги сайланган аъзолари талабига мувофиқ Жамият тартиб-қоидалари ва ички ҳужжатлари билан танишишларини ташкил этиш, шунингдек Ижроия органи аъзолари ва Жамият таркибий бўлинмаларининг асосий ходимлари билан учрашувлар ташкил этиш;

- Кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажаришда ёрдам кўрсатиш, шу жумладан улар томонидан сўралаётган Жамият ахборот

ва ҳужжатларини тақдим этиш, Бошқарув ва Жамият ходимлари билан учрашувлар ташкил этиш;

- Кузатув кенгашининг иш режасини тайёрлаш ва уни Кузатув кенгаши раисига тасдиқлаш учун тақдим этиш, унинг бажарилиши устидан мониторинг қилиш;

- Кузатув кенгаши мажлисининг кун тартиби, санаси ва шаклини тасдиқлаш (электрон почта орқали маълумот алмашиш орқали);

- Кузатув кенгаши аъзолари ва таклиф этилган шахслар Кузатув кенгашининг бўлажак йиғилишлари тўғрисида ўз вақтида хабарнома юбориш;

- кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни Кузатув кенгаши аъзоларига тайёрлаш ва тарқатиш;

- Жамият бўлинмаларида Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларининг илтимосига кўра Жамият фаолияти тўғрисида зарур ҳужжатлар ва маълумотларни қабул қилиш ҳамда Кузатув кенгаши аъзоларига Жамият фаолияти тўғрисида зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш;

- йиғилишда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари эътиборига кузатув кенгаши аъзоларидан бир сабаб ёки бошқа сабаб билан мажлисда иштирок эта олмаган кун тартибидаги бандлар юзасидан Кузатув кенгашидан ёзма фикрларни қайд этиш ва олиб кириш;

- ягона акциядор (акциядорларнинг умумий) йиғилиши ва Кузатув кенгаши мажлисларини тартибга солувчи ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Кузатув кенгашига тақдим этиш;

- Кузатув кенгаши қарорларидан кўчирма тайёрлаш ва уларни ижро учун Жамият бошқарувига тақдим этиш.

- Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши қўмиталарининг мажлислари билан боғлиқ тартиб ва тадбирларни ташкил этади ва назорат қилади. Кузатув кенгаши қўмиталари ишини таъминлаш мақсадида корпоратив маслаҳатчи қўидаги вазифаларни бажаради:

- Кузатув кенгаши қўмиталарининг ҳар бирининг иш режасини ўз ваколатлари муддатига тайёрлашни ташкил этиш;

- Кузатув кенгаши қўмиталари аъзолари ва таклиф этилган шахсларнинг Кузатув кенгаши қўмиталарининг бўлажак мажлислари ҳақида ўз вақтида хабар берилишини, шунингдек қўмита йиғилишлари кун тартибидаги материалларни тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш;

- Кузатув кенгаши қўмиталари мажлисларида иштирок этиш;

- Кузатув кенгаши қўмиталари мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартибини батафсил белгилаб берувчи қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқ Жамият ички норматив ҳужжатини қайта кўриб чиқиш ва доимий янгилаб бориш ишларини назорат қилиш;

6.4. Ахборотни ошкор қилиш сиёсатини амалга оширишда Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва активлар бўлими ва бошқа тегишли бўлинмалар билан биргаликда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Жамиятнинг ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кейинчалик янгилашда иштирок этиш;

- ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ маълумотларни тўплашни ташкил этиш;

- Жамиятнинг аффилиланган, ўзаро боғлиқ шахслар ҳисобини ташкил этиш, Жамиятнинг аффилиланган шахслари реестрини юритиш, шунингдек Жамият мансабдор шахслари ва унинг асосий (аҳамиятли) акциядорлари аффилиланган шахслари, бундай шахслар тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлашда иштирок этиш;

- Жамият мансабдор шахсларининг аффилиланган шахслари ҳақида маълумот тўплаш, уларнинг мажбуриятлари Жамият мансабдор шахслари томонидан аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш бўйича ҳуқуқбузарликларни аниқлаш;

6.5. Жамият ва унинг акциядорлари ўртасидаги алоқаларни сақлаш ва ўзаро ҳамкорликни ташкил этишни таъминлаш мақсадида корпоратив маслаҳатчи қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ягона акциядордан Жамиятга келиб тушган мурожаатлар билан ишлашни ташкил этиш, ўз ваколати доирасида жавоблар тайёрлаш, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда акциядорлар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

- эмитент ва/ёки рўйхатга олувчининг хатолари аниқланган тақдирда, Жамият акциядорлари реестрига тузатиш ёзувларини рўйхатга олувчининг киритилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

6.6. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ва амалиётини такомиллаштириш жараёни қўллаб-қувватлаш учун корпоратив маслаҳатчи:

- корпоратив бошқарувни ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар ва/ёки энг яхши халқаро корпоратив бошқарув амалиётларидаги ўзгаришлар/тенденцияларга мувофиқ Жамият Устави ва ички меъёрий ҳужжатлари қоидаларини янгилашда қатнашади;

- Кузатув кенгаши аъзолари ва Жамият раҳбариятини сўровларига асосан корпоратив ҳуқуқ ва қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади;

- Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари ва энг яхши корпоратив бошқарув амалиётининг халқаро стандартларига мувофиқлигини доимий ўрганиб боради;

- корпоратив бошқарув амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- Жамиятнинг корпоратив бошқаруви рейтинг дастурларида иштирок этган тақдирда, рейтинг агентликлари билан алоқа ва ҳамкорликни таъминлайди;

- ҳар йили Жамиятда корпоратив бошқарув ҳолати ва уни ривожлантириш истикболлари тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисобот тақдим этади;

- Жамиятнинг корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиш ва янгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди, уларни Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун тақдим этади;

- шўба корхоналарнинг корпоратив бошқарув жараёнида иштирок этади, шўба корхоналаридаги корпоратив бошқарув тизими ва амалиётларини ривожлантириш бўйича тавсиялар беради;

- тартибга солувчи, корпоратив бошқарув масалалари билан шуғулланувчи миллий ва хорижий жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

6.7. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчисига берилган функциялар ва ваколатларни бажариш доирасида Жамиятнинг савдо ташкилотчилари, рўйхатга олувчи ва қимматли қўғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлигини юритади.

VII. Жамият бошқарув органлари ва бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик бўйича корпоратив маслаҳатчининг ваколатлари

7.1. Корпоратив маслаҳатчи ўз ваколати доирасидаги барча масалалар бўйича Жамият бошқарув аъзолари ва Жамият ходимлари билан ҳамкорлик қилади, шунингдек Жамият бошқаруви ва назорат органлари йиғилишларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Жамият органлари ва мансабдор шахслар корпоратив маслаҳатчига ўз вазифаларини бажаришда ёрдам беришлари шарт.

7.2. Корпоратив маслаҳатчи талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, Жамият мансабдор шахслари ва ходимлари унга корпоратив маслаҳатчи вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни (материалларни) тақдим этишлари шарт.

7.3. Корпоратив маслаҳатчининг сўровномасига кўра, Жамият мансабдор шахслари ва ходимлари акциядорларнинг умумий йиғилиши ва/ёки Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар ва зарур ҳолларда қарорларнинг амалга оширилмаслиги сабабларини тушунтирадилар.

7.4. Жамият мансабдор шахслари корпоратив маслаҳатчига ташқи аудитор, Жамият тафтиш комиссияси, Марказий Жамият ёки бошқа давлат

органлари томонидан амалга ошириладиган текширувлар тўғрисида ахборот беришлари шарт.

7.5. Корпоратив маслаҳатчи зарур ҳолларда Жамият мутахассисларини ушбу Низомга мувофиқ ишлаб чиқилишини ташкил этувчи ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга жалб этиш ҳуқуқига эга.

7.6. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимларидан акциядорларнинг ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишларини талаб қилишга ҳақли.

VIII. Корпоратив маслаҳатчининг жавобгарлиги

8.1. Корпоратив маслаҳатчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, Жамият Уставида, Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомда ва ушбу Низомда белгиланган тартибда унга юкланган вазифаларнинг маъсулиятсиз бажарилишига жавобгардир.

8.2. Ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва ўз вазифаларини бажаришда корпоратив маслаҳатчи Жамият ва ягона акциядори (акциядорлар)нинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ва ўз вазифаларини виждонан ва оқилона бажариши лозим.

8.3. Жамият ходимларига Жамият бошқаруви ва Кузатув кенгаши фаолияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этишда корпоратив маслаҳатчи бошқарув Кенгаши томонидан белгиланган ходимлар учун махфий ахборотдан фойдаланиш бўйича чекловларга риоя қилиши шарт.

8.4. Корпоратив маслаҳатчи ўзининг расмий вазифаларини бажариши муносабати билан унга маълум бўлиб қолган тижорат сирини ёки бошқа махфий маълумотларни шахсий мақсадларда фойдаланишдан, учинчи шахсларга ошкор этилиши, шунингдек Жамиятга зарар етказилиши мумкин бўлган ахборотни ошкор қилишдан бош тортиши керак. Бу мажбурият корпоратив маслаҳатчининг бутун муддати давомида, шунингдек тегишли шахс ўз лавозимидан кетгандан сўнг амал қилади.